

Ялпи худудий маҳсулот ишлиб чиқариш

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишилб чиқарилган ялпи худудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 18405,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 3,3 фоизга тенг бўлди.


2017 йил январь-сентябрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 118,3 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи худудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби қўйидагича ифодаланади:


	млрд.сўм		2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз хисобида
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи худудий маҳсулот, жами	15055,60	18405,0	103,3
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14092,50	17149,7	103,0
Маҳсулотларга соғ солиқлар	963,1	1255,3	107,8
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	14092,5	17149,7	103,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3199,7	4170,3	101,9
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	5117,1	6294,8	103,6
саноат	4652,5	5795,4	104,2
қурилиш	464,6	499,4	98,1
Хизматлар	5775,7	6684,6	103,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1456,3	1698,0	102,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	2158,5	2419,2	102,4
бошқа хизматлари	2160,9	2567,4	104,5

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда):

2016 й.



2017 й.



■ Тармоқларниң ялпи құшылған қийматы

■ Маҳсулотларга соғ солиқлар

■ Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хүжалиги

■ Саноат (курилишни құшған ҳолда)

■ Хизматлар

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири саноат (104,2%), маҳсулотларга соғ солиқлар (107,8%) ва хизматлар (103,1%) тармоқларидағи ялпи құшылған қиймат ҳиссасига түғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 60,7 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига түғри келди, бу күрсаткич 2016 йил январь-сентябрда 61,8 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 39,0 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 41,0 фоиз)ни ташкил қилди.